



2013 йил 27 апрел

№ 403-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Ахмеджонова Фаридага “Каттакўрғонарик”
қишлоқ фуқаролар йиғини “Юқори туркман”
маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат
кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони
ажратиш ҳақида

Туман ҳокимининг 2012 йил 17 октябрдаги 1073-К сонли ер танлаш қарори,
туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 15 февралдаги 12-
сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 4 июлдаги 726-сонли
хулосаси, Самарқанд туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 1066-сонли
Архитектура-режалаштириш топшириғи ҳамда фуқаро Ахмеджонова Фариданинг
туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер
кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 15 февралдаги
12-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Ахмеджонова Фаридага “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар
йиғини “Юқори туркман” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш
шаҳобчаси қуриш учун ер майдони танлаш ҳақидаги туман ҳокимининг 2012 йил 17
октябрдаги 1073-К сонли ер танлаш қарорига асосан 150 кв.м туман захира ерлари
ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон
Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил
1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси
(О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га
топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев